



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 15 июнь, № 116 (4269)

Жума

ЯНГИЛАНИШ ВА БУНЁДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Ислом Каримов
жойларда иж-
тимоий-иқти-
содий ислохот-
ларнинг бори-
ши, амалга
оширилаётган
бунёдкорлик ва
ободонлашти-
риш ишлари
билан танишиш
мақсадида
14 июнь куни
Бухоро вилоя-
тига ташриф
бурди.**



Давлатимиз раҳбари Бухоро зами-
нига сафарини Ромитан туманидаги
«Саттор-Камол» фермер хўжалиги да-
ларини кўздан кечириш билан бош-
лади. Абдурахим Сатторов раҳбар-
лигидаги мазкур фермер хўжалиги-
нинг 26 гектар майдонига ўза ба-
равж ўсаётган бўлса, 8 гектардаги
галлага ўроқ тушган. Ўз вақтида йи-
ғиб олинаётган галла ҳосилдорлиги
гектар бошига ўртача 64 центнерни
ташкил этаётир. Хўжалик аъзолари
ялпи хирмони 50 тоннадан ошириш-
ни мўлжалламоқда.

Ўртбошимиз фермер ва механи-
заторлар билан суҳбатлашди.
— Фермерлар юртимиз истиқбол-
лини таъминлайдиган, унинг оғир юкига
айланаётгани бизни қувонтиради, —
деди давлатимиз раҳбари. — Ҳақиқий
деҳқон, аввало, ер билан тиллаша
билиши, унинг дардига малҳам бўла
олиши, шу билан бирга, бозор иқти-
содийнинг қрун ва талабларини чу-
қур англаб етиши ва уларга қатъий
амал қилиши лозим. Шунда у ўз ол-
дида қўйган мақсадга эришиши му-
қаррар.

Жорий йилда Бухоро вилоятида
фермер хўжалиklarининг умумий
сони ўн беш мингга етди. Бошқача
айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-
ларини еттиштириш тўла фермерлар
зиммасига ўтди.

Бу йил бухоролик миришкорлар
127 минг гектардан зиёд майдонда
ўза парвартиш қилмоқдалар. 61 минг
гектар ердаги галла эса жадал сурь-
атлар билан ўриб-йиғиб олинмоқда.
Вилоят пиллакорлари давлатга 2 минг
783 тонна «кумуш тола» топириб,
шартнома мажбуриятини ошири билан
бажардилар.

— Фермерлик ҳаракати ўзини
оқламоқда, — деди Ўртбошимиз фер-
мерлар билан суҳбатда. — Ишончим
комилки, қкин орада мамлакатимиз-
нинг зарбадас фермерлари дунё-
нинг илгор давлатларидаги мулкдор-
лардан қолишмайдиган бўлади.

Президентимиз Абу Али ибн Сино
тутилган Пешку туманидаги Афсона
қишлоғида бўлиб, улуг аллома музе-
йини кўздан кечирди.

— Дунё мамлакатларида бугунги
қунда ҳам тиббиёт асослари Абу Али

ибн Сино қолдирган мерос асосида
ўқиб-ўрганилаётгани маълум, — деди
Ўртбошимиз. — Бу — улуг бобомиз-
нинг жаҳон илм-фани ривожига
қўшган бемисл ҳиссасининг жаҳоний
эътирофидир. Шу маънода музейни
янгидан-янги экспонатлар билан бо-
йитиш, бунда тарихий ҳақиқат мезон-
ларидан келиб чиқиб иш туттиш зар-
ур.

Ислом Каримов ўтган йил ишга
туширилган Афсона тиббиёт кўл-
лежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан
учрашди.

Улуг аллома музейи, унинг ҳайкали
ўрнатилган майдонга туташ мазкур



мажмуа — 540 ўринли замонавий би-
лим даргоҳи — барча қўлайликларга
эга. Бу ерда умумий амалиёт ҳамши-
ралари ва диагност-лаборантлар тай-
ёрланади. Шинам ётоқхона, минглаб
нухсадаги китоб фондига эга ахборот-
ресурс маркази, компьютер ва замо-
навий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-
ланган лабораториялар ўқувчилар их-
тиёрида.

Ўртбошимиз ўқувчилар билан суҳ-
батда уларни мақсад сари дадил ин-
тилишга ва қийинчиликлардан чўчи-
масликка даъват этди.

Коллеж ўқувчилари мамлақати-
мизда, жумладан, Бухоро вилояти-
да барча шарт-шароитлар яратил-
ган мана шундай таълим маскан-
лари бунёд этилгани учун давлати-

миз раҳбарига миннатдорлик бил-
дирдилар.
Ислом Каримов Баҳроуддин
Нақибдан ёдгорлик мажмуини зиё-
рат қилди.

Ўртимизда барча соҳалар қатори
маънавият ва маърифат, таълим ва
тарбия жабҳаларида кенг қўламли иш-
лар амалга оширилмоқда. Буюк аж-
додларимиз қадамжоларини ободон-
лаштириш, улар қолдирган бой маъ-
навий меросни чуқур ўрганиб, тарғиб
ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор
қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зи-
ёрат қилар экан, бу муборак зот ман-

ро гилами" Ўзбекистон-Буюк Брита-
ния қўшма корхонаси фаолияти билан
ҳам танишди. Ишга туширилган-
нига энди бир йил бўлган корхона-
нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати
беш юз минг квадрат метр гилам маҳ-
сулотларини ташкил қилади. Айни
пайтда унда уч юз эллик нафар киши
иш билан банд. Замонавий техноло-
гиялар асосида тўқилаётган бежи-
рим гиламларга буюртмалар тобора
кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчи-
лари билан суҳбатда маҳсулот ишлаб
чиқариш борасида эришилган ютуқ-
лар билан чеklangиб қолмасдан, корхона-
нинг экспорт салоҳиятини ошириш
зарурлигини қайд этди.
«Сомоний» деҳқон бозори — Бухо-
ронинг қадимий йирик савдо мажму-
ларидан. Қайта реконструкция қилин-
гач, у замонавий қиёфа касб этиб,
харидор ва сотувчилар учун зарур
шарт-шароитларга эга бўлди.

— Бозор — эл-юрт фаровонлиги-
нинг кўзгусидир, — деди давлатимиз
раҳбари сотувчи ва харидорлар билан
мулоқот чоғида. — Бозорларимиз
янада тўқин ва серфайз, аҳоли эса
сифатли савдо хизматидан баҳраманд
бўлиш имкониятлари бундан ҳам ош-
моғи лозим.

Ижтимоий ҳимоя йилли муносабати
билан мамлакатимизда кенг қўламли
бунёдкорлик ишлари олиб борилаёт-
тир. Хусусан, янги тиббиёт ва соғлом-
лаштириш масканларини барпо этиш-
га, Мехрибонлик ва Мурувват уй-
ларининг моддий-техника базасини
мустаҳкамлашга эътибор янада куч-
чаймоқда.

Президентимиз Бухоро шаҳридаги
32-Мехрибонлик уйига ташриф бую-
риб, тарбияланувчилар ва мураббий-
лар билан суҳбатлашди. Юзга яқин
ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур му-
ассасада болаларнинг замон талаб-
лари асосида билим олиши, касб-
хунар эгаллаши ва спорт билан шу-
ғулланиши учун барча шарт-шароит
муҳайё этилган.

Ўртбошимиз Мехрибонлик уйига
замонавий микроавтобус совға қилди.
**Норали ОЧИЛОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

уларни асраб-авайлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш замон талабидир

Аждодларимизнинг бутун дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшганликларини
жаҳон ҳамжамияти тан олмақда. Лекин, биз биламизки, неча минг йиллар оралиғида
кечган қиргин-барот урушлар, табиат офатлари туфайли маданий ёдгорликларимиз-
нинг кўп қисми тарих саҳифаларидан ўчиб кетган.


Халқимиз учун муқаддас
саналган тарихий ёдгорлик-
ларини асраб-авайлаш ва ке-
лажак авлодга асл ҳолда
етказиш масъулиятли вазифа-
дир. Уни баҳариш учун,
энг аввало, шу соҳага оид
халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар-
ни чуқур ўрганишимиз,
амалдаги қонунчилигимиз-
даги ҳуқуқий асосларни ку-
чайтиришимиз ва такомил-

лаштиришимиз ниҳоятда
зарурдир.
1954 йил 14 майда Гага
шаҳрида «Қуролли можаро
қиқдан ҳолда маданий бой-
ликларни ҳимоя қилиш
тўғрисида» халқаро конвен-
ция қабул қилинган. 1995
йилнинг декабрида Ўзбеки-
стон Республикаси Олий
Мажлиси томонидан мазкур
конвенция ратификация

қилинди. Шунингдек, 1970
йил 14 ноябрда Бирлашган
Миллатлар Ташкилотининг
Таълим, фан ва маданият
масалалари бўйича
конференциясида Маданий
бойликларни соқдонуний
олиб кириш, олиб чиқиш ва
эгаллик ҳуқуқини бошқача
ўтказишнинг олдини олиш
ва таққиллашга қаратилган
чоралар тўғрисидаги кон-

венция қабул қилиниб, ушбу
халқаро ҳужжат ҳам 1995
йил декабрь ойида ратифи-
кация қилинган.
Худди шу йилли декабрь
ойида Умумжаҳон Маданий
ва табиий меросни муҳо-
фаза қилиш тўғрисидаги
Конвенция ҳам парламен-
тимиз томонидан ратифи-
кация қилиниб, кучга кир-
ганди.

Албатта, бу халқаро
ҳуқуқий ҳужжатлар халқ-
лар ва давлатларнинг ма-
даний ҳаёти олдида тур-
ган вазифаларини ўзаро




ҳамкорликда амалга оши-
ришга қаратилган бўлиб,
ижтимоий ҳаётнинг фан,
адабиёт, санъат, мадания-
ят соҳаларини қамраб ола-
ди. Уларда она заминимиз-
ни, тарихий меросимиз бўл-
ган маданий ёдгорликла-

(Давоми 2-бетда).

• Воқеалар • Янгиликлар

**Мамлакатимизда
бошқа соҳалар
қатори соғлиқни
сақлаш тизимида
ҳам ислохотлар изчил
амалга оширилмоқда.
Республика Шошилич
тиббий ёрдам илмий
маркази ва унинг
жойлардаги филиалларининг
фаолият кўрсатаётганлиги ана
шу ислохотлар самарасидир.**



ЖАҲОН ШИФОКОРЛАРИ ЎЗБЕКISTONДА

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республика-
си соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Дав-
лат дастури тўғрисида»ги Фармонида Респуб-
лика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда
унинг худудий филиалларини ташкил этиш билан
боғлиқ алоҳида банднинг мавжудлиги бу мар-
казнинг бунёд этилишига асос бўлганди.
Ўтган давр мобайнида Давлат дастурида белги-
ланган бир қанча вазифалар амалга оширилди.
Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-
лоятларда унинг 12 филиали, туман ва шаҳарлар-
да 173 бўлими очилди. Уларнинг кўплари янги-
дан бунёд этилди, айримлари қайта таъмирланди.



(Давоми 2-бетда).

ХОНОБОД КАБЕЛИ

**Хонобод шаҳридаги «Анджонкабель» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш
ҳажми кенгайтирилмоқда. Завод яқинда юқори кучлинишли кабеллар ишлаб
чиқариш бўйича янги технология ускуна сотиб олди ва ўрнатди. Бунинг
натijasида яна 12 киши иш билан таъминланади.**

**Корхона телефон, сигнализация, электр ва бошқа хилдаги кабеллар,
пўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан турли металл
тўрлар ишлаб чиқармоқда.**

Бугунги қунда қўшма
корхона МДХ худудида
ушбу йўналишдаги энг
замонавий ишлаб чиқариш-
лардан бири ҳисоб-
ланади. Бу ерда маҳсу-
лот фақат юқори сифат-
ли хомашвё, жумладан
Олимпиак кон-металлур-
гия комбинатида ишлаб
чиқарилаётган мисдан
тайёрланмоқда ва сифа-
ти жиҳатидан дунёда
энг яхши бешта маҳсу-
лот сирасига кирди.
Бунинг устига у Россия-
да ишлаб чиқарилаёт-

ган шундай маҳсулотлардан
арзон бўлиб, бу тайёр маҳ-
сулот қийматига таъсир
кўрсатмоқда.
— Заводда ўтган йилнинг
шу даврига нисбатан беш
ой давомида 44 физ кўп
маҳсулот ишлаб чиқарилди,
— дейди «Анджонкабель»
қўшма корхонаси бош ди-
ректори Ёркин Одилов. —
Бу пул билан ифодаланган
да 23 миллиондан 40 милли-
он сўмини ташкил этади. 571
миллион сўмлик халқ истеъ-
моли моллари ишлаб чиқари-
лди. Бу эса ўтган йилга

қараганда 19,5 фоизга
кўнгир.
Кабель ишлаб чиқариш
ҳажмини оширишдан
ташқари экспорт
қўламини ҳам кенгайти-
рилмоқда. Бугун завод
маҳсулотларидан Рос-
сия, Туркия, Эрон, Ко-
зогистон, Туркменистон
ва Қирғизистондаги
корхоналар фойдалан-
моқда.

**С. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.**

Суратларда — Европа

**Яқинда таниқли фото
устаси Шавкат Болтаев
бир қатор Европа мамла-
катларида бўлиб қайтиди ва
ижодий сафари асосида
фотоасарлар жамланмаси-
ни тайёрлади.**

Куни кеча пойтахтимиздаги
Тасвирий санъат галереясида
фото устасининг «Европа Ўзбе-
кистонлик нигоҳида» мавзусида-
ги кўргазмаси очилди.

— Ушбу кўргазма орқали
фото илоҳомандларини Гер-
мания, Франция, Италия, Ис-
пания, Польша, Бельгия, Лат-
вия мамлакатлари табиати,
шаҳар ва қишлоқларнинг ўзи-
га хос қўринишлари, аҳолиси-
нинг турмуш тарзи, урф-одат-
лари билан яқиндан таништи-
риш нииятидаман, — дейди
Ш. Болтаев.

Кўргазма Германия Феде-
ратив Республикасининг
мамлакатимиздаги элчихона-
си ташаббуси билан ташкил
этилди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

**Япония ҳукумати томонидан Самарқанд
ва Бухоро вилоятларидаги бир қатор
мактаблар ва касалхоналар учун**

490 минг АҚШ доллари миқдорига
грантлар ажратилди



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Ҳамкорлик доирасидаги бу
лойиҳага кўра, хусусан, Бухоро
шаҳридаги 7-, Ғиждувон ту-
манидаги 10- ва 43-, Каттакўр-
гон шаҳридаги 13-, Тайлоқ ту-
манидаги 30-мактаблар замо-
навий ўқув жиҳозлари билан
таъминланади, Ғиждувон ва
Самарқанд туманларидаги
марказий касалхоналарда эса
тиббий хизмат кўрсатиш дара-
жаси янада яхшиланади.**

Газета
ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ

Мухтарам газетхон!
Мамлакатимизда адолатли демок-
ратик жамият қуриш йўлида катта иш-

олиб, «Халқ сўзи»да «Юзма-юз» са-
ҳифасини очдик. Ойда бир марта бе-
риб бориладиган ушбу саҳифада бе-
восита газетхонлар са-
волларига тегишли соҳа
мутаассидларининг
амалдаги қонунлар ва

меъриий ҳужжатларга асосланган жа-
воблари билан танишиш имконига эга
бўласиз. Саҳифанинг дастлабки сони
билан газетамизнинг 3-бетида та-
нишасиз.

Диккат, янги саҳифа!

қонун устуворлигини
таъминлаш беқиёс аҳамиятга эга. Таҳ-
ририятимизга фуқаролардан турли
мавзуларда хат-хабарлар, ойдинлик
хуқуқий онгини ошириш,
кўнун устуворлигини
таъминлаш беқиёс аҳамиятга эга. Таҳ-
ририятимизга фуқаролардан турли
мавзуларда хат-хабарлар, ойдинлик
хуқуқий онгини ошириш,
кўнун устуворлигини

(Давоми 2-бетда).

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ




Тугатишнинг соддалаштирилган тартиби нима?

— Ҳақиқатан ҳам, мазкур Қарор асосида тadbиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Унга кўра, бу жараёнда иштирок этадиган рўйхатдан ўтказувчи, давлат солиқ хизмати, ички ишлар органлари ҳамда банк муассасаларининг вазифалари, уни амалга ошириш муддатлари белгиланди. Шунингдек, янги Қарорда тadbиркорлик субъектига уни рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилган кундан бошлаб ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар буйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилган. Муассисларнинг тугатилган корхоналар мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган маблағлари эса солиқдан озод қилинди.

— Эшитишимча, Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги "Тadbиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, шу йил 1 июлдан эътиборан тadbиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилар экан. Шу хусусда тўлиқроқ маълумотга эга бўлмоқчийдим.

Қаҳрамон МАМАДАЛИЕВ, тadbиркор, Андижон вилояти.

Б.АМИНОВ, Адлия вазирлигининг юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи.



Ишончномалар бекор бўладими?

— Бу нотўғри гап. Аммо Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилнинг 7 мартдаги «Автомобилларнинг воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сонли қарорига кўра, 2006 йилнинг 1 июлигача берилган ишончномалар 2006 йилнинг 31 декабрга янги, гербли (маҳсус) банкларга қайта расмийлаштиришга доир расмийлашмасдан алмаштирилиши, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб эса давлат божни ундирилган ҳолда алмаштирилиши белгилаб берилган эди. Янги нусхадаги гербли ишончномаларни бериш шундай ҳужжатларни сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилди.

— Автомобиллардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ишончномалар бекор бўлаётган эмиш, шу тўғрими?

Маҳмуд ХОЛМАТОВ, Қўшработ тумани.

— Дўкондан магнитофон сотиб олгандин. Ҳеч қанча ўтмасдан, унинг нуқсонли бўлиши сезилди. Шу боис алмаштириб беришни сўраб, ўша дўконга мурожаат қилдим. Сотувчи товарнинг мен харид қилган вақтдаги нархи билан ҳозирги кундаги қиймати ўзгарганини айтди. Агар ўртадаги тафовутни тўласам, истагимни бажарарини. Унинг талаби қонунийми?

Ф.ХУҲАЕВ, Вобекан тумани.

Автомобилларнинг воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг истақларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 4 майда «Автомобилларнинг воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (маҳсус) банкларга қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор чиқарди. Унда 2006 йилнинг 1 июлигача берилган ишончномаларни гербли (маҳсус) банкларга қайта расмийлаштириш 2007 йилнинг 1 июлигача амалга оширилади ва шу муддатгача қайта расмийлаштириш учун давлат божни ундирилмайди.

Қайта расмийлаштириш учун ишончнома ишонч билдирувчи ёки ишонччи вақли томонидан (паспорт кўрсатилган ҳолда) олдин расмийлаштирилган нотариал идорага тақдим этилади.

Мансур РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХБ инспектори, подполковник.

Саёҳат қилмоқчимисиз, марҳамат!

— Республикада сайёҳлик билан шуғулланувчи қанча ташкилот бор? Улар қайси хорижий давлатларга чиқиб келишга ёрдам беради?

Нурбек ХИДИРАЛИЕВ, Ўрта Чирчиқ тумани.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 500 дан ортиқ сайёҳлик компания ва фирмалари фаолият юритмоқда. Бу компаниялар Ташланд, Малайзия, Сингапур, Хитой, Жанубий Корея ва яна бошқа Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Баҳрайн, Миср давлатлари билан мустақкам сайёҳлик тизимини йўлга қўйган. Бундан ташқари, сайёҳларимиз АКШ ва Европа давлатларида кўнгалдайдик дам олиб келишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Анвар ТЕМРИХЎЖАЕВ, "Ўзбектуризм" компанияси бошқарма бошлиғи.

Аллергология маркази қаерда?

— Бир неча йилдан буён мени бронхиал астма хасталиғи қийнайдди. Кўп шифокорларга кўриндим. Охири улар Тошкентдаги Аллергология марказида даволанишни маслаҳат беришди. Шу марказ ҳақида маълумот берсангиз.

Ойсара АВАЗОВА, Қашқадарь вилояти.

Вақт ўтса-да, нарх ўзгармайди

— "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида нуқсонли товар айти шундай маркали (модели, артикули) товарга алмаштириб берилган вақтда унинг нархи ўзгарган бўлса-да, қайта ҳисоб-китоб қилинмаслиги белгиланган. Шунга мувофиқ, сиз сотувчига ўртадаги тафовутни тўламаслигингизни айтиб, магнитофонни сўзсиз алмаштириб беришни талаб қилинг.

Дилбар НАСРИДДИНОВА, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси мониторинг бўлими бошлиғи.


Балиқ қачон овланади?

— Республикаимиз ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қондаларига асосан Амударё ва Сирдарёда 10 мартдан 31 майгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида сув ҳавзаларида 25 апрелдан 10 июнгача, бошқа сув ҳавзаларида эса 16 апрелдан 31 майгача санат мақсадида балиқ овлаш тақиқланади. Қўзланган мақсад балиқларнинг урғини жараёнига сабий тавсир кўрсатмасликдир. Чунки бу пайтда балиқлар увилдириқ ташлайди.

Ўлмас СОБИРОВ, Давлат Биозорат бўлими бошлиғи.

— Май ойининг ўрталарида дўстларимиз билан балиқ овлаганини чиққан эдик, "Мумкин эмас" дея руҳсат беришмади. Шу тўғрими?

Жонибек ЭШБЕКОВ, Сирдарё вилояти.



Пулимни ундиролмаяпман

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ миқдорда бўлган қарз ёзма равишда расмийлаштирилиши шарт. Ҳозирги ҳолатда дўстингиз қарздорлигини тан олмаса, ундан пулингизни ундиришингиз қийин кечади.

— Яқин танишим мендан беш юз минг сўм қарз олганди. Бугунга келиб тонаяпти. Нима қилай?

Асилбек ОТАБЕКОВ, Беруний шаҳри.

Мурод ТОЖИБОВ, ҳуқуқшунос.



Хориждаги фаолият ва меҳнат дафтарчаси

— "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддасига асосан, чет элда ишлаган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига белгиланган сўғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битими) асосида чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдаломаларга қараб аниқланади. Чет эл фуқароларига ва фуқаролити бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишлаганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

— Чет элда ишлаган йилларим меҳнат стажига қўшиладими?

Беркин ЧИНИҚЛОВ, Денов тумани.

Баҳодур БОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.

Банкдан кредит олоқчиман

— Янги иш бошлаган тadbиркорга банк томонидан қанча миқдорда кредит ажратилади?

Олимжон ЖОНУЗОҚОВ, Бөбөвт тумани.

— Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармониغا биноан, "Микрокредитбанк"нинг тadbиркорликни бошлаш учун ажратиладиган алоҳида микросармоялари мавжуд. Шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тadbиркорлик субъектлари — яқка тартибда фаолият кўрсатадиган хусусий тadbиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда; юридик шахслар — микрофирмалар ва деҳқон хўжалиқларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда; фермер хўжалиқларига эса энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорда микрокредитлар берилди. Бу микрокредитлар имтиёзли, яъни 5 фоизли бўлиб, 18 ой муддатга ажратилади.

Зулфия КАРИМОВА, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорлик субъектларини микрокредитлаш департаменти директори.

Ўйга ҳақлари борми?

— Ўғлим ва келиним билан бирга яшайман. Ўй менинг номимда. Уни сотиб, ҳаммамиз учун ҳовли-жой сотиб олоқчи эдим, ўғлим билан келиним рози бўлишмапти. Уларнинг бу ўйда ҳақлари борми?

Ж. Жумақулов, Ангрён шаҳри.

— Албатта бор! Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой кодексининг 32-моддаси, 6-қисмига кўра, хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ёки ижарага бериш учун квартира ёки уй мулкдорининг воғда еган, у билан бирга долмиш яшаётган оила аъзоларининг розилиғи олинши керак.

Умматали Йўлдошев, адвокат.

— Иш бериувчилар сизга нисбатан ноқонуний йўл тутишган. Негаки, дастлабки синов муддати ун ойдан кўп бўлиши мумкин эмас. Бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 85-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган. Қўшимча сифатда шуни айтиш керакики, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа қулар синов муддатига киритилмайди.

Жамолдин ЭРГАШЕВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Нафақа тайинлаш шарти

— Болани 2 ёшгача парвариш қилиш учун бериладиган нафақа пулини олиш учун қаерга мурожаат қилиш мумкин?

П. ЭГАМОВА, Богот тумани.

— Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда рўйхатга олинган «Ишламайдиган оналарга бола 2 ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-қисмига кўра, бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилганлик учун ойлик нафақа фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан она ёки амалда болани парвариш қилаётган шахснинг аризасига асосан тайинланади. Лекин болани парвариш қилганлик учун нафақа тайинлаш пайтида олинган жами даромади ҳисоблаб кўрилади. Агар ушбу оилавий даромад ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кўп миқдорда тўғри келса, у ҳолда нафақа тайинланмайди.

Тоҳиржон БОБОЖОНОВ, Хоразм вилояти адлия бошқармасининг бўлими бошлиғи.

Фарзандим Тошкентдаги коллежда ўқимоқчи

— Қизим бу йил 9-синфни битирди. Уни Тошкентдаги Алоқа коллежига ўқишга олиб бормоқчи эдим. Лекин пойтахтдаги коллежларга вилоятдан келганлар қабул қилинмайди, деган гап эшитдим.

Ҳасан МАМАТОВ, Амударё тумани.

— Бундай гап-сўзларга ҳеч қандай асос йўқ. Пойтахтдаги ўқув даргоҳлари вилоятлардаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртларида жорий этилган мутахассисликлар бўйича, шунингдек, ётоқхоналари мавжуд бўлса, илгга ташна ёшларни ўз бағрига олиши мумкин.

Шавкат ЖАВЛОНОВ, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.

Синов муддати неча ой?

— Яқинда бир корхонага ишга кирдим. Раҳбарият тўрт ойлик синов муддатини ўтатиш зарурлигини айтди. Бу кўп эмасми?

Ровшон АҲМАДЖОНОВ, Учқўрғон шаҳри.



Агар муддат тугаса...

— Тўрт йил аввал Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйдан хонадон сотиб олдим. Ишончнома уйни сотиш ҳуқуқи билан уч йилга берилган. Эътиборсизлигимиз тўғрисида унинг муддати ўтиб кетди. Хонадоннинг олдинги эгалари эса ҳозир Россияда яшаштилар. Бу муаммони қандай ҳал этса бўлади?

Матлуба СЎФИЕВОВА, Ўйбек, Тошлоқ тумани.

— Уй-жойни сотиш ҳуқуқи билан берилган шартномадан вақтида фойдаланмаган бўсангиз ва ишончнома берган шахснинг ҳозирча манзили аниқ бўлмаса, ушбу масалада бевосита фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз лозим.

Искандархон ОТАХЎЖАЕВ, Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Магистратурада бир йил ўқиш мумкинми?

— Мен яқинда иккинчи мутахассислик бўйича бакалаврлик дипломига эга бўлман. Эшитишимча, иккинчи бакалаврлик дипломи олган мутахассис магистратурада бир йил ўқиса ҳам бўларкан. Шу тўғрими?

Наима УБАЙДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳри.

— Йўқ! Чунки икки хил соҳа йўналишидаги иккита мутахассислик бакалавр дипломи бир-бирини тўлдирмайди. Шу боис, магистратурада ўқиш бир йил бўлиши мумкин эмас.

Суръат САДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги баш мутахассиси.

Қанд хасталиғига дучор бўлганимга анча бўлган. Пархез сақлаб, эҳтиётимни қилиб юрардим. Бирок товонимда яра пайдо бўлганини сезмай қолибман. Даво ланиш учун қаерга мурожаат қилсам бўлади?



Абдувоҳид СУЛТОНОВ, Бухоро вилояти.

Дардимга даво излайман

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-тектириш институтида Диабетик тўпик жарроҳлиғи бўлими мавжуд. У ерда тана аъзоларининг пастки қисмида сезиш қобилияти сустайиши натижасида яра пайдо бўлган беморлар даволанадилар.

Тельман КАМОЛОВ, тиббиёт фанлари номзоди. Диабетик тўпик жарроҳлиғи бўлими бошлиғи.

Соҳамга қайтмоқчиман

— Бир пайтлар ўрта махсус тиббиёт билим юртини тамомлагандим. Кейин тижоратчига айландим. Энди дори-дармон сотсам бўладими?

Маллакат ОТАБЕКОВА, Жиззах.

— «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига биноан, республикада тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқига эга диплом ва лицензия олган шахслар эга бўладилар. Уз касби бўйича 3 йилдан кўп ишламаган хо-

димлар қайта тайёрликдан ўтказиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аттестация комиссиясидан ўтишлари лозим.

Пўлат БОБОВ, Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.


Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

И.М.ГУБКИН НОМЛИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

2007/2008 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КЎЙДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- ↑ нефть ва газ кудукларини бургулаш; фойдали қазилма конларини излаш ва қидирининг геофизик усуллари.

Абитуриентларнинг қабул бўйича аризалари филиал қабул комиссиясига тақдим этилади.



Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.



Абитуриентлар ҳужжат топшираётганда паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар. Қабул бўйича аризалар 18 июндан 2 июлга қадар қабул қилинади. Қабул 2 июль кунини соат 13.00 гача давом этади. Кириш имтиҳонлари ва филиалга қабул 3 июлдан 16 июлга қадар амалга оширилади.

Кириш имтиҳонлари куйидаги фанлардан ўтказилади:

- математика (ёзма);
- физика (ёзма);
- рус тили (тест).

Кириш имтиҳонлари И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилади.

Филиалга кириш имтиҳонлари ва ўқиш рус тилида амалга оширилади.

Давлат гранти асосида ўқиган филиал битирувчилари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларига ишга тақсимланади.

Абитуриентларнинг ариза ва ҳужжатлари куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент ш., Мовароуннахр к., 20-уй, Тошкент автомобиль йўллар институти бош биноси. Маълумот учун телефонлар: 132-15-24, 152-77-47. Интернет манзили: www.edu.uz

ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё лойиҳаси

ГРАНТЛАР ДАСТУРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ (ГРАНТ № IDA Н1497С).

Жаҳон банки ва Буюк Британия халқаро ривожланиш агентлиги (DFID) томонидан молиялаштирилган ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё лойиҳаси грантлар дастурининг иккинчи босқичи бошланганлиги ҳақида маълум қилади ва қизиқиш билдирган миллий ва халқаро ташкилотларни грант дастурида иштирок этишга таклиф қилади.

Лойиҳа тўртта давлатга мўлжалланган (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон). Лойиҳанинг асосий мақсади — жамоат, нодавлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг миллий ҳамда минтақавий даражадаги имкониятлари ва ҳамкорликларини кучайтириш орқали Марказий Осиё давлатларида ОИВ/ОИТС касаллигини назорат қилишга ҳисса қўшишдан иборат.

Лойиҳа ўз дастурига давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ҳамда хусусий сектор томонидан таклиф қилинган миллий ва минтақавий ташаббусларни молиялаштириш мақсадида ташкил қилинган минтақавий ОИТС жамғармасини (МОЖ) киритади.

Минтақавий ОИТС жамғармасида (МОЖ) мавжуд бўлган маблағлар потенциал суб-лоийҳалар таклиф қилган ташаббускор ташкилотларга лойиҳа шартларига кўра грантлар тариқасида танлов асосида татбиқ этилади.

Минтақавий ОИТС жамғармаси суб-лоийҳаларни куйидаги грант турлари билан молиялаштиради:


- Кичик грантлар. Миллий нодавлат, давлат ташкилотлари ҳамда хусусий сектор учун мўлжалланган. Фаолият доираси — миллий. Грант қиймати — 20000 АҚШ долларигача.
- Секторлараро фаолият учун кичик грантлар. Мувофиқ талабгорлар — ташкилотлар/агентликлар консорциуми, давлат, нодавлат ташкилотлари ва хусусий сектор. Катта грантлар минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳаракат учун ҳам ишлатилиши мумкин. Фаолият доираси — миллий ёки минтақавий (бир давлатдан ортик). Грант қиймати — 20000 дан 50000 АҚШ долларигача.
- Катта грантлар. Марказий Осиёда фаолият кўрсатувчи миллий, минтақавий ва халқаро нодавлат ташкилотлари ҳамда давлат ташкилотлари ва хусусий сектор учун мўлжалланган. Фаолият доираси — минтақавий (бир давлатдан ортик). Грант қиймати — 50000 АҚШ долларидан ортик, МОЖнинг 10% гача ёки 1,5 млн. АҚШ долларигача.

Қизиқиш билдирган ташкилотлар лойиҳа концепцияси ва талаб қилинадиган маблағлар миқдори кўрсатилган қисқа маълумотни сакловчи хатни юбориши мумкин.


Қизиқиш хатини www.caap.info лойиҳа сайтыда тўлдириш керак.

Кичик грантлар бўйича қизиқиш хатини лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий координаторига куйидаги манзилга: **100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-уйга ёки электрон почта орқали: akmal.makhamatov@gmail.com** «грантлар дастурининг 2-босқичи» белгиси билан юбориш лозим.

Катта грантлар бўйича қизиқиш хатини лойиҳанинг иккинчи компоненти координатори ж-б Қодиров З.З.га куйидаги манзилга юбориш мумкин: 050000, Қозоғистон Республикаси, Алмати шаҳри, Кунаев кўчаси, 86-уйга ёки электрон почта орқали: **zkadirov@caap.info**. Қизиқиш хатини тақдим қилишнинг охири мuddати — 2007 йил 30 июнь. МОЖ ва грантлар дастурининг иккинчи босқичи ҳақида тўлиқ маълумотни www.caap.info лойиҳа сайтыдан олиш мумкин.



WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT)



University of Westminster

2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИГА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЭЪЛОНИ

Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) магистр ўқув дастури бўйича талабаларни ўқишга таклиф этади. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар Вестминстер университетининг (Буюк Британия) магистрлик илмий даражасига сазовор бўладилар.

Магистратурада куйидаги ихтисослик бўйича инглиз тилида таҳсил олинади:
**ХАЛҚАРО БИЗНЕС ВА МЕНЕЖМЕНТ
MASTERS of ARTS IN INTERNATIONAL BUSINESS AND MANAGEMENT**

Ўқиш мuddати — 12 ой (кундузги) ёки 24 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).
Ўқиш бошланиши — 2007 йил 6 сентябрь.

Қабул қилиш шартлари:

- номзод бакалавр дипломи ёки мутахассислик дипломига (5 йиллик олий маълумотга) эга бўлиши;
- инглиз тили — IELTS тизими бўйича 6.5 балл; TOEFL тизими бўйича 250 (CBT) баллга эга бўлиши;
- номзодларнинг ёши 22 дан кам бўлмаглиги;
- суҳбатдан муваффақиятли ўтиши.

Ҳужжатларни қабул қилиш охириги мuddати — 2007 йил 3 сентябрь.

Қабул ҳайъати иш кунлари:

душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача, тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

Кўшимча маълумот:

- магистратурада ўқиш тўлов-шартнома асосида олиб борилади;
- вилоятдан келган талабалар университет ётоқхонасида жой билан таъминландилар.

Газ уягуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчигичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Навоийлик Мотокроссчилар Ғалабаси

Навоийда мудофаа-га кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган мотокросс бўйича Ўзбекистон очик чемпионатининг финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг саккиз вилояти ва Қозоғистондан келган 15 жамоа иштирок этди.

Қизиқarli беллашувлар натижасига кўра Навоий вилояти шарофити ҳимоя қилган Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Марказий кон бошқармаси мотокроссчилари энг яхши натижаларга эришдилар.

Т. ЖАМОЛИДДИНОВ.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-А уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фурголар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокутаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фурголар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокутаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

Setco **НАМ 10 ЛЕТ!**

В САЛОНЕ "УМНЫЙ ДОМ" **СКИДКА 10%**

Товар сертифицирован **АКЦИЯ ДО 07.07.07.**

Мини-АТС
Panasonic & SIEMENS
Тел.: 138-9999, 137-29-88.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Турон» ёшлар театр-студияси балий раҳбари Равадан Ёриева падари бузруквори **БОБОНАЗАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва республика йўл ҳўжалиги жамоаси Қашқадарь халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори **Илҳом Ашуровнинг АСАДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия билдиради.

Хусусий очик акциядорлик тижорат банки «Али Жамол банк» бошқаруви банкнинг Гашиқ иқтисодий амалиётлар бошқармасининг валюта айирбошлаш шўбақалари фаолиятини мувофиқлаштириш шўбаси мудири Шухрат Иноғомова падари бузруквори **ИНКИЛОБ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳриринг компьютер марказида терияди ва операторлар **Жамшед Тоғоев** ва **Муҳаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Г-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев.
Навбатчи — А. Самалов.
Мусаҳҳах — Ш. Манраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10. Топширилди — 23.35 23456